O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 20 февраль, № 36 (4951) Шанба

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 февраль куни Оқсаройда АҚШнинг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Ричард Холбрукни қабул қилди.**





Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатимиз Афғонистонда мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш ишида Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари самарали асосларда янада ривожланишининг қатъий тарафдори эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Афғонистонга электр энергияси ва озиқ-овқат таъминотида, транспорт коммуникациялари барпо этиш борасида амалий ёрдам кўрсатиб, унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишида иштирок этмоқда. Жумладан, 2010 йилдан Афғонистонга узатилаётган электр энергияси ҳажми бир неча баробар оширилди. Ўзбекистонлик мутахассислар Ҳайратон — Мозори Шариф темир йўлини қурмоқда. Мамлакатимиз ҳудуди орқали Афғонистонга катта миқдорда гуманитар юк етказиб берилмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Ричард Холбрук самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, АҚШ маъмурияти минтақавий хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини таъкидлади. АҚШ махсус вакили Афғонистон можаросини ҳал қилишда Ўзбекистон Республикасининг позицияси муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

Суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**
**Сарвар ЎРМОНОВ, Аъло АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.**

*Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори олимларимиз яратган инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш имкониятларини кенгайтирмоқда.*

# ИННОВАЦИЯ – САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Мазкур қарор асосида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Бунинг натижасида олимлар яратган юқори самарали технологияларни амалиётга жорий этиш кўлами кенгаймоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти жамоаси ҳам фаол иштирок этаётир.

III Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида институтда яратилган 19 та ишланма намойиш этилади. Унинг бештаси қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган юқори самарали ўғит, дефолиант ва стимуляторларни олиш, еттитаси нефть-газ тармоғининг долзарб муаммоларини ҳал этиш, қолгани эса кон-металлургия, энергетика, пахта тозалаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилган.



— Фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик натижасида кейинги йилларда илмий жамоамизда йигирмадан зиёд янги ишланма яратилиб, уларнинг учдан бир қисми муваффақиятли равишда амалиётга жорий этилди, — дейди Умумий ва ноорганик кимё институти директори, академик Зокиржон Салимов. — Қолганлари саноат миқёсидаги синовлардан ўтиб, ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тайёрланмоқда.

Институт жамоаси хом ашёдан кимёвий, физик-кимёвий, биотехнология каби услублар ёрдамида маҳсулот олишнинг тежамкор, экологик тоза, юқори самарали технологияларини яратиш, хусусан, органик ва ноорганик моддалар асосида ўсимликлар ўсишига хизмат қиладиган юқори самарали моддаларни амалиётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. "Ҳосил" препарати улардан биридир. Ушбу модда пахта ва донли экинларнинг барг чиқариш, шоналаш, гуллаш ва мева тугиш даврида гектарига 20 миллилитр миқдорида сувдаги эритмаси билан қўлланилса, ўсимлик илдизи ривожланишига кучли таъсир кўрсатади. Гуллаш ва кўсак тугиш жараёни тезлашади, кўсакларнинг тўлиқ очилиши ҳисобига ҳосилдорлик 5-7 центнерга ошади. Мазкур препарат истеъмолчилар буюртмасига биноан кенг кўламда ишлаб чиқарилмоқда.

Институтда яратилган самарали дефолиантлардан яна бири — "Супер ХМД". Ғўза баргларини тўкишда қўлланиладиган ушбу восита туфайли барг ярим нам ҳолида тўкилади, етилмаган кўсаклар куймайди ва уларнинг очилиши бир неча кунга тезлашиб, ҳосилдорлик 1,5-2 центнергача ошади. Шу боис бу дефолиантга талаб ортмоқда. 2007 — 2008 йилларда "Фарғонаазот" очиқ акциядорлик жамиятида 10 минг тонна "Супер ХМД-с" дефолианти ишлаб чиқарилган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 8,64 минг тоннани ташкил этди.

Бундай изланишлар натижасида қишлоқ хўжалигини юқори сифатли ўғитлар билан таъминлаш борасида ҳам муайян ютуқларга эришилмоқда. Хусусан, бойитилмаган Қизилқум фосфоритларини дунё тажрибасида ўхшаши бўлмаган, каммеъёрли нитрат кислотаси билан парчалаш асосида нитрофос олиш технологияси яратилди.

(Давоми 2-бетда).

*Пойтахтимиздаги "Универсал" спорт саройида бадиий гимнастика бўйича бўлиб ўтган XI Осиё чемпионати унинг иштирокчилари ва уларни олқишлаб турган минглаб мухлисларга олам-олам таассуротларни туҳфа этди.*

# ЎЗБЕКИСТОН ГИМНАСТИКАЧИЛАРИНИНГ УЛКАН МУВАФФАҚИЯТИ

Халқаро турнир

Халқаро гимнастика федерацияси кўмагида Осиё гимнастика уюшмаси, Ўзбекистон гимнастика федерацияси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур нуфузли мусобақада ҳамюртларимиздан ташқари, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Қозоғистон, Қирғизистон, Малайзия, Сингапур, Сурия ва Таиланддан келган жами 150 нафарга яқин спортчи Сингапур (14-26 август) давлатида ёшлар ўртасида ташкил этиладиган I Олимпиада ўйинларига бериладиган учта йўлланма учун беллашдилар.

Қувонарли жиҳати, қитъа чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари рақибларига қарши тенгма-тенг кураш олиб бориб, якунда медаллар сони бўйича яккапешқадам бўлиб олишди.

Асосийси, ушбу мусобақа ҳам Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда жорий этилган уч босқичли спорт ўйинларининг нақадар самарадор эканлигини амалда яна бир карра намойиш этди. Бундай дейишимизга етарлича асос бор. Чунки терма жамоамиз таркибида қатнашган Азиза Мамажонова, Ҳуснийабону Ғуломова, Сарвина Холиқова, Луиза Ғаниева ва Зарина Қурбонова ўтган йили Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари дастуридаги бадиий гимнастика баҳсларида ҳам пешқадамлик қилишган эди. Жумладан, унда терма жамоамиз етакчиси, Тошкент шаҳридаги 78-мактаб ўқувчиси Азиза Мамажонова учта олтин медаль соҳиби бўлганди.

Айнан "Умид ниҳоллари"да тўпланган тажриба Осиё чемпионатида ҳам қизларимизга қўл келди. Азиза Мамажонова яккалик баҳсларида 3 та олтин ва битта кумуш медаль билан ўзига хос рекорд ўрнатган бўлса, Ҳусниябону Ғуломова ҳам бир бор шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Сарвина Холиқова ва гуруҳ баҳсларида қатнашган бошқа вакилларимиз ҳам терма жамоамиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди.

Мусобақанинг энг ҳаяжонли беллашувлари 19 февраль куни бўлиб ўтди. Чунки айнан шу куни қизлар яккалик кўп курашда арғамчи, тўп, ҳалқа ва булава ўйнатиш бўйича Сингапур Олимпиадаси йўлланмаси учун ўз маҳоратларини синовдан ўтказишди. Ғолиб ва совриндорлар бажарилган машқларга қўйилган балларнинг умумий йиғиндиси бўйича аниқланди.

Терма жамоамиз мураббийлари ҳал қилувчи беллашувда Азиза Мамажонова ва Сарвина Холиқовага ишонч билдиришди.

(Давоми 4-бетда).

# ХАЛҚАРО "VISA" КОМПАНИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

*Бугун мамлакатимизда эришилаётган иқтисодий муваффақиятлар бутун дунёнинг, хусусан, халқаро молия ташкилотларининг қизиқишларига сабаб бўлмоқда.*

Янгилик

Жаҳонга машҳур "VISA International" компанияси етакчи вакилларининг юртимизга ташрифи ҳам ана шундай қизиқиш ва эътибор самарасидир.

Мазкур ташриф давомида компания вакиллари республикамиз тижорат банклари, фаолияти билан яқиндан танишиб, "Uz NNSS" деб номланган мамлакатлараро ҳисоб тизимини жорий этди. Бу тизим орқали Ўзбекистон банклари мамлакат миқёсидаги ҳисоб-китобларини миллий валютадаги "Visa" карточкалари орқали амалга оширишлари мумкин бўлади.

"NNSS" — бу "VISA International" компанияси томонидан ишлаб чиқилган ва молия институтлари талабларининг ўрганилиши билан ҳозиргача такомиллашиб келаётган нақд пулсиз тўловлар тизимини ривожлантиришга қаратилган инновацион жараёндир.

Эътиборлиси, "NNSS" тизимини жорий этиш учун алоҳида дастур ёки маблағ талаб қилинмайди. Чунки у "VisaNet" базасида амалга оширилади. "VisaNet" замонавий электрон тўловлар тизими бўлиб, бир сонияда 10 мингтагача транзакцияни амалга ошириш имконига эга.

Бугунги кунда "VISA" глобал тизим бўлиб, у дунёнинг 200 дан зиёд мамлакатидаги 16 минг 200 та молиявий институтни бирлаштирган. Улар қаторида "Ўзсаноатқурилишбанк" ҳам "VISA International" компаниясининг юртимиздаги маркази сифатида ҳамкорликни янада кенгайтирмоқда. Бугунги кунда у мамлакатимиз аҳолисига пластик карточкалар тизимининг энг замонавий ва кенг миқёсли хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Яқинда халқаро "VISA International" компанияси ва "Ўзсаноатқурилишбанк" ҳамкорлигида яна бир лойиҳа режалаштирилди. У ҳам бўлса, футбол бўйича 2010 йилги Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатини бевосита томоша қилиш учун йўлланма берувчи промо-акцияни ўтказишдир. Бу акция бутун мамлакатимиз миқёсида ўтказилади ва унда "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг барча пластик карточкалари эгалари иштирок этишлари мумкин.

**Ф. БЎТАЕВ.**

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ



## Қурилиш хом ашёлари кўпаймоқда

***АНДИЖОН. Хўжаобод туманидаги Бирлашган қишлоғида пишиқ ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослашган, лойиҳа қиймати 117 миллион сўмлик "Ишонч юлдуз нури" корхонаси фаолият кўрсата бошлади.***

Ҳозир бу ерда ойига ўртача 250 минг донагача деворбоп материаллар тайёрланмоқда. Ушбу технологик линиянинг ишга туширилиши туфайли 30 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Эътироф этиш керакки, ўтган йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда мавжуд корхоналар фаолиятини кенгайтириш ҳисобига туманда 1459 та янги иш ўрни яратилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## «Турбопласт»нинг янги маҳсулоти

***НАМАНГАН. "Турбопласт" хусусий корхонасида пластик қолиплар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.***

Бинолар пойдеворини тиклашда фойдаланиладиган ушбу маҳсулот синовдан яхши ўтди. Айни пайтда корхона жамоаси ички бозорга 3000 квадрат метр пластик қолиплар чиқарди. Шунингдек, бу ерда полимер материаллардан тайёрланаётган енгил вазнли безаклар, турли панеллар бозорда ўз харидорини топмоқда. Якунланган йилда "Турбопласт" жамоаси 178 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



## Сув таъминотида муаммо бўлмайди

***БУХОРО. Ғиждувон туманининг "Позагари" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Тўқол, Пўккалар, Муллалиён аҳоли пунктларида ичимлик суви таъминоти яхшиланди.***

Шунингдек, якунланган йилда тумандаги 8 та қишлоққа ичимлик суви қувурлари тортилди. Бу каби мақсадлар учун 54 миллион сўм маблағ сарфланди.

Таъкидлаш лозимки, ўтган йилда вилоят бўйича 200 километр узунликдаги ичимлик суви қувурлари тортилиб, фойдаланишга топширилди.

**И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Ҳам мазали, ҳам фойдали

***НАВОИЙ. Қизилтепа туманидаги "Заминдан зар ундираётганлар" хусусий корхонаси 0,4 гектар майдонда 135 миллион сўмлик маблағ сарфлаб, иссиқхона ташкил этганди.***

Айни қиш палласида бу ерда ўн хилдан ортиқ кўкатлар, помидор, бодринг етиштирилиб, аҳоли дастурхонига арзон нархларда тортиқ қилинмоқда. Иссиқхона фаолият бошлаши билан 14 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР ЎҚУВИ

***Пойтахтимизда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ёшлар матбуот марказлари ва нашрларининг вакиллари, ёш журналистлар учун семинар-машғулот ташкил этилди.***

"Ёшлик" талабалар шаҳарчасининг "Маънавият ва маърифат" марказида ўтказилган ушбу семинар-машғулотда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан вакиллар иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Ғуломов, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А. Абдуллаев, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази бошқаруви раиси К. Бекназаров Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшлар маънавиятини юксалтириш, миллий оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, фаолиятини замон талаблари даражасига олиб чиқиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт



# ЎЗБЕКИСТОН ГИМНАСТИКАЧИЛАРИНИНГ УЛКАН МУВАФФАҚИЯТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу борада яна Азиза Мамажонова ўзининг Осиё қитъасида тенгсиз гимнастикачи эканлигини амалда намойиш этди. У ҳалқада машқ бажаришда 24,3, арғамчида 24,3, булавада 23,575, тўпда машқ бажаришда эса 24,35 балл жамғариб, рақибларини сезиларли фарқ билан ортда қолдирди ва мутахассису мухлислар олқишига сазовор бўлди.

— Юртбошимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган ғамхўрликларини доимо ҳис қилиб турамиз, — дейди Азиза Мамажонова. — Мураббийларим билан беллашувларга қизғин ҳозирлик кўрган эдик. Ана шу меҳнатларимиз эвазига Олимпиада йўлланмасини қўлга киритдим. Умуман, мусобақалар давомида Япония, Хитой ва Малайзия давлатлари гимнастикачиларининг иштироки менда катта таассурот қолдирди. Ушбу ғалабам мени навбатдаги баҳсларда руҳлантириши, шубҳасиз.

... Тошкентда ўтган Осиё чемпионати беллашувлари якунланиб, энг ҳаяжонли дамлар — ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими бошланди.



Томошабинларнинг гулдурос қарсаклари остида майдонга яккаликлар ва гуруҳ беллашувларида совринли ўринларни эгаллаган гимнастикачилар кириб келади.

Яккаликлар ўртасидаги кўп кураш беллашувларида ғолиб чиқиб, Сингапурда бўладиган ёшлар Олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритган Азиза Мамажоновага олтин медални Ўзбекистон гимнастика федерацияси президенти Лола Каримова топширди.

Спортчимиз шарафига давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгра符ди.

Иккинчи Олимпиада йўлланмаси ва кумуш медалга қозоғистонлик Юлия Кизима сазовор бўлди. Бронза медаль қозоғистонлик Юлия Семёновага насиб этди.

Гуруҳлар ўртасидаги кўп кураш беллашувларида ғолиб чиққан Япония терма жамоаси аъзолари — Сара Огисо, Шихо Сузуки, Мако Сасаки ва Момока Нагаи олтин медаль ҳамда Олимпиада йўлланмаси билан тақдирланди.

Хитойлик спортчилар кумуш, Зарина Қурбонова, Луиза Ғаниева, Вероника Угай ҳамда Ольга Кирьяковадан иборат терма жамоамиз бронза медални қўлга киритди.

Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

# Имкониятлар, натижалар ва таассуротлар

**Сара ОГИСО, гимнастикачи (Япония):**

— Бугун дунё миқёсида спортнинг бадиий гимнастика тури тобора оммавийлашиб бормоқда. Тошкент шаҳри мезбонлик қилган XI Осиё чемпионати иштирокчилари, хусусан, ўзбекистонлик гимнастикачиларнинг ажойиб хатти-ҳаракатларини кузатиб, қитъамиз бу борада анча илгарилаб кетганига амин бўлдик.

Аслида ҳеч бир ютуққа ўз-ўзидан эришилмайди. Бунинг учун, аввало, шароит яратилган бўлиши лозим. Шу жиҳатдан олиб қараганда, мамлакатингизда ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишларини таъминлаш бўйича барча имкониятлар яратиб берилганига "Универсал" спорт саройи мисолида гувоҳ бўлиш мумкин. Бу мажмуада нафақат бадиий гимнастика, балки бошқа спорт мусобақаларини ҳам юксак савияда ташкил этиш учун шароитлар етарли.

Осиё чемпионатининг гуруҳ баҳсларида дугоналарим Шихо, Мако ва Момока билан биргаликда олтин медалларга сазовор бўлдик. Бундан жудаям хурсандмиз. Энг муҳими, кўплаб дўстлар орттирдик. Тошкент таассуротлари, шубҳасиз, узоқ вақт хотирамизда сақланиб қолади.

**Ноҳа Абу ШАБАН, Халқаро гимнастика федерациясининг техник қўмитаси аъзоси:**

— Юртингизда спортни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганидан яхши хабардорман. Ёш авлодни ҳар жиҳатдан комил инсон қилиб тарбиялашда, айниқса, мамлакатингиз жорий этган уч босқичли тизим — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ҳамда "Универсиада" спорт ўйинлари мени доимо қизиқтириб келади. Чунки бундай тизим жаҳоннинг ҳеч қаерида йўқ. Ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар самараси туфайли ҳозирга келиб ўзбекистонлик спортчилар халқаро мусобақаларда ғолибликка асосий даъвогарлар қаторида эътироф этилишаяпти. Масалан, биргина бадиий гимнастикани оладиган бўлсак, ёшларингизнинг бу борада ҳам иқтидори юқорилиги XI Осиё чемпионати баҳслари давомида яққол сезилиб турди. Ишончим комилки, келажакда жаҳон чемпионати, Олимпиада ўйинларида ҳам Ўзбекистон вакиллари юқори ўринларни эгаллашади.

Яна бир гап. Бадиий гимнастика бўйича навбатдаги қитъа чемпионатини юртингизда ўтказишга қарор қилингани жуда тўғри бўлган, деб ўйлайман. Сабаби, нафақат мусобақаларни ташкиллаштириш, балки спортчиларнинг дам олиши, бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун ҳам юксак даражада тайёргарлик кўрилибди.

## Сўз — чемпионат иштирокчиларига

Бундан барча қатнашчилар бирдек мамнун. Ўзбек халқининг бағрикенглиги, меҳмондўстлиги дунё аҳлининг уларга бўлган меҳрини бундан кейин ҳам ошириб бораверади.

**Танявиничкул ЧУТИКАН, гимнастикачи (Таиланд):**

— Ушбу чемпионатда Япония, Ўзбекистон ҳамда хитойлик тенгқурларимиз тажриба борасида биздан анча кучли эканликларини кўрдик. Жумладан, гуруҳ баҳсларида айнан уларнинг қўли устун келди.

Аслида ҳар қандай спортчи учун бундай нуфузли мусобақада иштирок этишнинг ўзи катта бахт. Мазкур қитъа чемпионати биз учун тажриба мактаби вазифасини ўтади. Ўз устимизда янада кўпроқ ишлаб, келгусида совриндорлар қаторидан жой олишга ҳаракат қиламиз.

Мусобақа баҳонасида Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини айландик, эсдалик учун суратга тушдик, ўзбек миллий таомларидан татиб кўрдик. Ҳаммаси ажойиб. Энди юртимизга борганимизда, оиламизга, дўстларимизга кўрганларимизни, таассуротларимизни мароқ билан сўзлаб берамиз.

**Ван Нин ЛИ, гимнастикачи (Малайзия):**

— Яккалик баҳсларида иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдим. Менда, айниқса, ўзбекистонлик гимнастикачи қизлар — Азиза Мамажонова, Сарвина Холиқова, Хусниябону Ғуломованинг ишонч билан ижро этган гўзал рақс ва ҳаракатлари катта таассурот қолдирди. Уларнинг маҳоратига қараб, ушбу мамлакатда бадиий гимнастика нақадар жадал ривожланиб бораётганига амин бўлади, киши.

XI Осиё чемпионатини шундай юқори савияда ўтказгани учун ташкилотчиларга алоҳида миннатдорлик билдирамиз.

**Юсуф Аль ТАБАА, Халқаро гимнастика федерацияси консули:**

— Ўзбекистонда ёш авлодни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш борасида кўлами жиҳатидан жуда улкан ишлар бажарилаяпти. Бунда жисмоний тарбия ва спорт ривожига қаратилаётган эътибор муҳим аҳамият касб этаётир. Айниқса, 2010 йилнинг мамлакатда "Баркамол авлод йили", дея эълон қилингани Ўзбекистоннинг бу йўлдаги саъй-ҳаракатлари давлат сиёсати даражасида эканидан дарак беради.

Тошкентдаги муҳташам "Универсал" спорт саройидаги қулайликлар ҳавас қилишга арзийди. Бундай мажмуалар республиканинг олис ҳудудларида ҳам тобора кўпайиб бораётгани бизга яхши маълум. Уларда маҳоратини оширган қизлар мана бундай нуфузли чемпионатларда рақибларига жиддий қаршилик кўрсатишаяпти. Ишончим комилки, Ўзбекистон яқин келажакда спорт соҳасида барча учун ўрнак мамлакатга айланади.

*Шавкат ОРТИҚОВ,*
*Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,*
*Ҳасан ПАЙДОЕВ (сурат)*
*«Халқ сўзи» мухбирлари.*

*Луис Фелипе Сколари:*

# «ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАРИ ЛИГАСИДА МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТАМИЗ»

***Маълумки, 23 февраль куни мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони "Бунёдкор" Осиё чемпионлари лигасида Саудия Арабистонининг "Ал-Иттиҳод" жамоасига қарши майдонга тушади. Ана шу муҳим учрашув олдидан футболчиларимиз Бирлашган Араб Амирликларида навбатдаги ўқув-йиғин машғулотларини ўтказиб қайтдилар. Жамоа бош мураббийи Луис Фелипе Сколари билан тайёргарлик жараёни ҳақида суҳбатлашдик.***



— Йиғинларда жисмоний машғулотларга алоҳида эътибор қаратилди, — дейди Сколари. — Ҳар бир футболчи билан яккама-якка суҳбатлар олиб борилди. Майдонда ҳаракатланиш жараёнида йўл қўйилаётган тактик хатолар тушунтириб ўтилди. Бир неча ўртоқлик учрашувлари ташкил этилди. Умуман олганда, футболчиларда жисмоний ва тактик тарафдан олдинга силжиш бор. Айниқса, майдон марказида ишончли ҳаракат қилаётган Жоао Виктор ва Азиз Ҳайдаровнинг ўйинидан мамнунман.

**— Ўртоқлик учрашувларида нега Ривалдо ва Руслан Мелзиддинов таркибга жалб этилмади?**

— Улар бир оз соғлиқлари безовта қилгани учун фақат машғулотларда қатнашаяптилар. Умид қиламизки, расмий учрашувлар бошлангунга қадар яна таркибга қайтишади.

**— Яқинда "Пахтакор"дан ўтган Анзур Исмоилов фаолиятидан кўнглингиз тўлаяптими?**

— Анзурни ҳимоя чизиғини кучайтириш учун жамоага қўшиб олган эдик. Йиғин давомида унинг ҳаракатлари менга маъқул бўлди. Ҳозир Анзурни энг ишонган вакилларимиздан бири Анвар Ғофуровнинг одатий жойи — марказий ҳимояда синаб кўраяпмиз.

**— Ўтган йилдагига нисбатан қайси футболчиларда сезиларли ўсишлар бор?**

— Айни пайтда 2008 йили Осиёнинг энг яхши футболчиси бўлган Сервер Жепаров жисмоний жиҳатдан бошқалардан алоҳида ажралиб турибди. Жамоанинг қолган аъзолари ҳам ўз устида ишлашни давом эттирмоқдалар.

**— Осиё чемпионлари лигасидаги рақибларимиздан бири — "Ал-Ваҳда" (БАА) ўйинини бевосита кузатиш имкониятига эга бўлдингиз.**

— Гуруҳимиздаги "Ал-Ваҳда"ни ҳам, "Ал-Иттиҳод" билан "Зоб-Аҳан" жамоаларини ҳам ҳали кўп ўрганишимиз керак. Биринчи ўйинни Саудия Арабистонининг "Ал-Иттиҳод" жамоасига қарши ўтказамиз. Яхши биласиз, "Бунёдкор" икки йил олдин уни мағлубиятга учратишга муваффақ бўлган. Ишончим комилки, биз бу ўйинда ҳам, албатта, ғалаба қозонамиз.

**Норбек НИЁЗОВ тайёрлади.**

## ОБ-ҲАВО

(20 февраль)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёғингарчилик бўлади. Туман тушади. Тунда 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ атрофида, кундузи 1-6 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлиши кутилмоқда. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 1-6 даража илиқ, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади. Навоий вилоятининг шимолий қисмида кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ ўртасида, кундузи 1-6 даража илиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Туман тушади. Тунда 1-6 даража илиқ, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёмғир ёғади. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 1-6 даража илиқ, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Туман тушади. Тунда 3-8 даража илиқ, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Вақти-вақти билан ёғингарчилик (ёмғир, қор) кузатилади. Туман тушади. Тунда 0-5, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Ҳарорат тунда 3-5 даража илиқ, кундузи 10-12 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


*Ҳурматли юртдошлар!*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ
**ХАЛҚ БАНКИ**

**сиз учун жозибали ва манфаатли шартларга асосланган «Саёҳат-2» ютуқли омонатини таклиф этади.**

Кўҳна Европанинг Франция ва Чехия каби мамлакатларидаги тарихий шаҳарларга саёҳат қилишни ёки юртимизнинг қадимий ҳамда навқирон гўшалари саналмиш Бухоро, Самарқанд ва Хива шаҳарларидаги тарихий обидалардан баҳраманд бўлиб, завқланишни истайсизми? У ҳолда сиз маблағларингизни Халқ банкининг **«Саёҳат-2»** номли муддатли ютуқли омонатида сақланг ва омонатларга ҳисобланган фоиз даромадлари билан бирга, юқорида қайд этилган йўналишлардан бирига сайёҳлик йўлланмаси соҳиби бўлинг.

**«Саёҳат-2»** ютуқли омонат турига маблағлар жисмоний шахслар томонидан миллий валютада камида **50 000 (эллик минг) сўм** миқдорида нақд ва нақд пулсиз равишда, **йиллик 14 фоиз** даромад тўлаш шарти билан 2010 йилнинг 15 февралидан бошлаб 1 июнига қадар қабул қилинади.

**ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ САЁҲАТ!**

*ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИНГ!*

Хизматлар лицензияланган. Лиц. № 25. 25.01.2003 й.

132R/138

Мурожаат учун телефон: (8-371) 150-12-91.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ
**ХАЛҚ БАНКИ**

**Наврўз байрамига бағишлаб «Наврўзи олам» ютуқли омонатини амалиётга жорий қилди.**

**«Наврўзи олам»** омонат турига маблағлар жисмоний шахслар томонидан миллий валютада камида **50 000 (эллик минг) сўм** миқдорида нақд ва нақд пулсиз равишда, йиллик **14 фоиз** миқдорида даромад тўлаш шарти билан 2010 йилнинг 20 февралидан бошлаб 31 мартига қадар (31 март ҳисобга олинади) қабул қилинади.

Мазкур омонатга фоиз даромади тўланиши билан бирга, ютуқлар тиражи ўтказилиб, тираж якунига кўра, ютуқлар тўланади. Ютуқ жамғармаси 5 минг сўмдан 1 миллион сўмгача ва 1 миллион сўм бўлган пул ютуқларидан ташкил топган. «Наврўзи олам» ютуқли омонати бўйича ютуқлар тиражи 2010 йил апрель ойининг иккинчи декадасида ўтказилади.

*ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИНГ!*

Хизматлар лицензияланган. Лиц. № 25. 25.01.2003 й.

131R/138

АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИ ДАХЛСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН!

Мурожаат учун телефон: (8-371) 150-12-91.



**Эрон Ислом Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси**

**1992 йилда ишлаб чиқарилган «TOYOTA HIACE» русумли микроавтобусни сотади.**

*Машинани 2010 йил 22 февралдан 12 мартгача (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 10.00 дан 12.00 гача элчихонага келиб кўриш мумкин.*

127R/196

Телефонлар: (8-371) 150-60-50, 150-60-65.



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача 236-09-25

02


Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоаси Ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Ольга Петровага онаси

**Нина МАКАРОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 103. 63314 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 22.10 1 2 4 5